

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУРБАНИЯЗОВА ЗАМИРА КАЛБАЕВНА**

**АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар  
тарихи**

**ПЕДАГОГИКА фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление (DSc) автореферата докторской диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Курбаниязова Замира Калбаевна**

Аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш..... 3

**Курбаниязова Замира Калбаевна**

Развитие социально-педагогической компетентности будущих учителей в условиях смешанного обучения..... 31

**Курбаниязова Замира Калбаевна**

Development of socio-pedagogical competence of future teachers in conditions of blended learning..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publication..... 64

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУРБАНИЯЗОВА ЗАМИРА КАЛБАЕВНА**

**АРАЛАШ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар  
тарихи**

**ПЕДАГОГИКА фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Ped275 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мусурманова Айниса**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Содиқова Шохиди Мархабобевна**

социология фанлари доктори, профессор

**Қуროнов Мухаммаджон**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Ходжаев Бегзод Худойбердиевич**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» 08 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi\_info@edu.uz

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (41 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2022 йил «12» 08 кун тарқатилди.  
(2022 йил «12» 08 да 41 рақамли реестр баённомаси).



**Б.П. Отемуратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

**Г.Е. Қарлыбаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д., профессор

**А.К. Пазылов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.н., доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги глобаллашув ва ахборотлаштириш жараёнлари, пандемия шароити ва инновацион таълим муҳитида юзага келадиган педагогик рисклар таълим тизимида жадал ўзгаришлар киритишни тақозо этиб, бу борада электрон ўқитишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Электрон ўқитиш амалиётида аралаш таълим (blended learning)нинг Face-to-face, Rotation, Flex, Onlinelab, Self-blend, Onlinedriver каби моделлари нафақат иқтисодийнинг реал тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш, балки бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ривожланган давлатлардаги хорижий тажрибалар бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда аралаш таълим моделларини самарали қўллаш механизмларини такомиллаштириш, педагогик рискология воситасида таълим жараёни субъектларининг ижтимоий мобиллигини шакллантириш орқали касбий-шахсий тайёргарлик даражасини ошириб бориш зарурлигини кўрсатади.

Дунёда бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш, ахборот-таълим муҳити шароитида бўлажак педагогларда метакомпетентликни ривожлантиришнинг ташкилий-методик тизимини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, талабаларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг амалий технологик тизими ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш, анъанавий, масофавий ва мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтиришнинг формал, информал ва ноформал шакллари касбий соҳаларга адаптив қўллашнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади. Айниқса, аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг рискологик тайёргарлигини жадаллаштириш, ижтимоий-педагогик фаолиятини самарали ташкил этишга тайёрлашнинг дидактик тизимини такомиллаштириш янада долзарблик касб этади.

Республикамизда олий педагогик таълимга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, янги Ренессанс педагогикаси шароитида муқобил таълим шаклларида муваффақиятли фаолият юритишга қодир, комплекс педагогик компетентликка эга ўқитувчиларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> аралаш таълимнинг методик имкониятларини янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатиб турибди. Бу эса, аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик тизими ва технологик моделини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017, 6-сон, 39-б.

жорий этишнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>2</sup> Аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳон миқёсидаги йирик илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Stanford University (АҚШ), Institute named after Frisca Bauer, Belfield pedagogical university (Германия); Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters University (Англия); Universiti Teknologi Malaysia (Малайзия); Seoul Cyber University (Жанубий Корея); Санкт-Петербург ахборотлаштириш институти (Россия); Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш бўйича жаҳонда қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, қуйидаги илмий натижалар олинган: бўлажак ўқитувчиларни аралаш таълим шароитида инновацион фаолиятга тайёрлаш моделлари ишлаб чиқилган (Stanford University); педагогика олий таълим муассасаси талабаларини ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий механизмлари такомиллаштирилган (Institute named after Frisca Bauer);

---

<sup>2</sup> Osagie, E., Waqar, M., Adebayo, S., Stasiewicz, A., Porwol, L., & Ojo, A.: Usability evaluation of an open data platform. In: Proceedings of the 18th Annual International Conference on Digital Government Research, 495-504 (2017).; Scardamalia M., & Bereiter C.: Knowledge building: Theory, pedagogy, and technology, in: K. Sawyer (eds.) Cambridge handbook of the learning sciences, New York, Cambridge University Press, p. 97-118 (2006).; Ligorio, M. Beatrice, Sansone, N.: Structure of a Blended University Course: Applying Constructivist Principles to Blended Teaching. In: Information Technology and Constructivism in Higher Education: Learning Frameworks, 216-230 (2009).; Osagie, E., Waqar, M., Adebayo, S., Stasiewicz, A., Porwol, L., & Ojo, A.: Usability evaluation of an open data platform. In: Proceedings of the 18th Annual International Conference on Digital Government Research, 495-504 (2017).; Pinchuk, O. P., Sokolyuk, O., Burov, O. Y., & Shyshkina, M. P.: Digital transformation of learning environment: aspect of cognitive activity of students. In: Proceedings of the 6th Workshop on Cloud Technologies in Education (CTE 2018), KryvyiRih, Ukraine, December 21, 2018, CEUR Workshop Proceedings 2433, 90-101 (2019).

педагогика олий таълим муассасаси талабаларини госпитал-педагогик фаолиятига тайёрлаш тизимининг самарали ишлаш механизмлари такомиллаштирилган (Belfield pedagogical university); аралаш таълим воситасида ижтимоий-педагогик тайёргарлик мазмуни ва дидактик таъминоти ишлаб чиқилган (Bournemouth University); талабаларни онлайн маслаҳатчилик малакаларини ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари яратилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters University); талабаларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини интенсив ривожлантиришнинг электрон-педагогик тизими такомиллаштирилган (Universiti Teknologi); мобил таълим жараёнида педагогик рискларнинг олдини олишнинг автоматлаштирилган механизми ишлаб чиқилган (Seoul Cyber University); ўқитиш жараёнларини ахборотлаштиришнинг адаптив тизимлари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург ахборотлаштириш институти); бўлажак ўқитувчиларнинг социолингвистик ва ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришнинг локал-модулли технологиялари такомиллаштирилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети).

Жаҳонда бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: интегратив ёндашув асосида аралаш таълим технологияларини педагогик лойиҳалаш алгоритмини такомиллаштириш; аралаш таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг амалий тайёргарлигини дуал таълим технологиялари орқали такомиллаштириш; педагогик риск шароитида бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий мобилликни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш; бўлажак педагогларнинг медиасаводхонлигини ривожлантиришнинг инновацион-дидактик тизимини такомиллаштириш; рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг фамилистик, коллаборатив компетентлигини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, электрон таълимни ривожлантириш, масофавий таълимни ташкил этиш, электрон ахборот-таълим ресурслари, дастурий таъминотларни яратиш ва қўллаш муаммолари бўйича мамлакатимиз олимларидан А.Абдукодиров, У.Бегимқулов, Ф.Закирова, Л.Бабаходжаева<sup>3</sup> лар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. Компетенциявий ёндашувни таълим амалиётига жорий этишнинг фундаментал асослари О.Мусурмонова, Н.Муслимов, М.Уразова, Б.Ходжаев, М.Мирсолиева<sup>4</sup> кабилар

<sup>3</sup> Абдукодиров А.А. Масофали ўқитишга оид 100 саволга 100 жавоб. – Т.: Истеъдод жамғармаси, 2005. – 36 б.; Бегимқулов У.Ш. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед.фан.док. ...дисс. – Т., 2007. – 305 б.; Закирова Ф.М. Теоретические и практические основы методической подготовки будущих преподавателей информатики в педагогических вузах: Автореф. дисс. ... док. пед. наук. – Т., 2008. – 42 с.; Бабаходжаева Л.Г. Талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини жорий этишнинг назарий ва амалий асослари: педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc). ... дисс. – Чирчик, 2021. – 254 б.

<sup>4</sup> Мусурмонова О. “Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги” модулининг ўқув-услубий мажмуаси. – Т.: БИММ, 2015. – 288 б.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фан.докт. ... дисс. – Тошкент: 2007. – 357 б.; Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего педагога профессионального образования к проектировочной деятельности: Дисс. ... док. пед. наук. – Т.: ТГПУ, 2015. – 287 с.; Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Тошкент, 2016. – 314 б.; Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc). ...дисс. – Тошкент, 2019. – 225 б.

томонидан тадқиқ этилган. “Ижтимоий педагогика” фанини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ масалалар М.Қуронов, Н.Эгамбердиева, Р.Мавлонова, З.Салиева<sup>5</sup> кабиларнинг тадқиқот ишлари ва улар томонидан яратилган ўқув адабиётларида ўз ифодасини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан В.Байденко, Э.Зеер, И.Зимняя, В.Гаврилюк, Н.Клименко, К.Левитан, А.Маркова<sup>6</sup>лар компетенция, компетентлик ва касбий компетентлик масалалари юзасидан тадқиқотлар олиб боришган. Г.Кравченко, М.Медведева, М.Никитина, М.Орлова, Ю.Рубин, В.Фандей<sup>7</sup> ва бошқаларнинг ишлари аралаш таълим масалаларига бағишланган. Л.Аксенова, Ю.Василькова, Л.Мардахаев, А.Мудрик, Т.Яркина<sup>8</sup> кабиларнинг ўқув қўлланмалари ва дарсликларида ижтимоий педагогик фаолиятнинг мазмуни ва моҳияти, уни ташкил этиш шакл, метод ва технологиялари ёритиб берилган.

Хорижлик олимлардан Aila Paaso ва Kati Korento, Adnan Hakim, J.Baumert, M.Kunter, W.Blum, U.Klusmann, S.Krauss ва M.Neubrand<sup>9</sup>лар анъанавий ва аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини комплекс ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

---

<sup>6</sup> Байденко В. И. Выявление состава компетенций выпускников вузов как необходимый этап проектирования ГОС ВПО нового поколения: методическое пособие. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2006. – 72 с.; Зеер Э. Компетентностный подход к модернизации профессионального образования / Э.Зеер, Э. Сыманюк // Высшее образование в России. – М., 2005. – №4. – С.23-30.; Зимняя И.А. Компетентностный подход. Каково его место в системе современных подходов к проблемам образования (теоретико-методологический аспект) / И.А. Зимняя // Высшее образование сегодня. – М., 2006. – №8. – С.20-26.; Гаврилюк В.В. Компетентностный подход в профессиональном образовании / В.В.Гаврилюк, Г.Г.Сорокин // Образование, и общество. – М., 2006. – №3. – С.46-52.; Клименко Н.Ю. Социально-педагогическая компетентность специалистов социальной сферы. // Педагогика. – М., 2003. – №2. – С.22-28.; Левитан К. М. Компетентностный подход в контексте модернизации высшего профессионального образования // Актуальные проблемы профессионального развития педагогов в системе современного образования: теория и практика. Материалы Всероссийской научно-практической конференции. 1 марта 2005 года. Ч. 1. Тюмень: ТОГИРРО, 2005. – С. 31–33.; Маркова А. К. Психология профессионализма. М.: Международный гуманитарный фонд «Знание», 1996. – 308 с.

<sup>7</sup> Кравченко Г.В. Использование модели смешанного обучения в системе высшего образования //Известия Алтайского государственного университета. – 2014. – Т. 1. – №. 2 (82). – С.22-25.; Медведева М.С. Актуальность подготовки будущих учителей к смешанному обучению при использовании современных дистанционных технологий // Современные технологии в науке, производстве и образовании. Сборник материалов конференции.- Шуя: Изд-во Шуйского филиала ИВГУ. – 2014. – С.32-33.; Никитина М.С. Теоретико-методологические аспекты исследования проблемы смешанного обучения // Теоретико-методологические аспекты исследования проблемы смешанного обучения // В мире научных открытий. Красноярск: Научно-инновационный центр, 2012. – № 1. – С.167-176.; Орлова М.С. Методика смешанного обучения программированию, направленная на формирование профессиональных коммуникативных качеств. // Вестник московского городского педагогического университета. Серия: Информатика и информатизация образования. – Москва, 2008. – №13. – С.47-50.; Рубин Ю.Б. Инструментальные методы e-learning: путь к комплексному укоренению. //Прикладная информатика. – Москва, 2006. – №5. – С.85-92.; Фандей В.А. Теоретико-прагматические основы использования формы смешанного обучения иностранному (английскому) языку в языковом вузе: дис. ... к.п.н. – Москва, 2012. – 214 с.

<sup>8</sup> Аксенова Л.И. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.: Academia, 2001. – 190 с.; Василькова Ю.В., Василькова Т.А. Социальная педагогика. – М.: Академия, 2003. – 304 с.; Мардахаев Л.В. Социальная педагогика: учебник. – М.: Гардарики, 2003. – 269 с.; Мудрик А.В. Социальная педагогика. – М.: Академия, 2003. – 200 с.; Яркина Т.Ф. Человек как объект социальной педагогики и социальной работы: теоретико-методологический аспект: (В контексте мирового опыта). – М.: Б. и., 1996. – 81 с.

<sup>9</sup> Aila Paaso & Kati Korento. OSAAVA OPETTAJA 2010–2020. Toisen asteen ammatillisen koulutuksen opetushenkilöstön osaaminen. – Tampereen yliopistopaino Oy - Juvenes Print, Tampere 2010. – P.224.; Adnan Hakim. Contribution of Competence Teacher (Pedagogical, Personality, Professional Competence and Social) On the Performance of Learning // The International Journal Of Engineering And Science (IJES) // Volume // 4 // Issue // 2 // Pages // PP.01-12// 2015.; Baumert, J., Kunter, M., Blum, W., Klusmann, U., Krauss, S. & Neubrand, M. (2011). Professionelle Kompetenz von Lehrkräften, kognitiv aktivierender Unterricht und die mathematische Kompetenz von Schülerinnen und Schülern (COACTIV) – Ein Forschungsprogramm. In M. Kunter, J. Baumert, W. Blum, U. Klusmann, S. Krauss, & M. Neubrand (Hrsg.). Professionelle Kompetenz von Lehrkräften. Ergebnisse des Forschungsprogramms COACTIV (S. 7-25). Münster: Waxmann.

Турли соҳа вакиллари томонидан талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммосига доир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлса ҳам, бироқ ахборот таълим муҳити шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг фундаментал асослари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, ахборот таълим муҳити ва рискологик шароитларда бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-амалий жиҳатларини комплекс тадқиқ этишни тақозо этди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари” (2018-2021 йй.) ҳамда Нукус давлат педагогика институтининг “Таълим сифатини ошириш ва комил шахсни тарбиялашда рақамли ва инновацион технологиялардан фойдаланиш» (2021–2022 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

“Ижтимоий педагогика” модулининг бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантиришга доир мантикий, семантик ва гносеологик имкониятларини ёритиб бериш;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир коммуникатив вазиятларини яратиш механизминини ишлаб чиқиш;

аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш;

аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг технологик моделини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш жараёни белгиланган бўлиб, тажриба-синов ишларида Нукус, Навоий, Жиззах давлат педагогика институтлари ва Бухоро давлат университети бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш ҳамда педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналишларининг 980 нафар респондент-талабалари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда назарий (таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, индукция, дедукция), эмпирик (кузатиш, суҳбат, анкета,

эксперт баҳолаш, фаолият натижаларини ўрганиш, интервью, педагогик эксперимент), материалларга математик ва статистик ишлов бериш усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш тузилмаси мактаб, оила, микросоциум, турли тоифадаги болалар билан ишлашга доир ижтимоий-педагогик функцияларнинг интегративлик даражасини қатъий белгилаш, диагностик, коммуникатив, ташкилий каби малакалар доирасини анъанавий ва аралаш таълим шароитида кенгайтириб боришнинг таксономик архитектоникасини лойиҳалаш асосида аниқлаштирилган;

психологик-педагогик билимларнинг фундаменталлиги тамойилига устуворлик бериш асосида “Ижтимоий педагогика” субмодулининг бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир мантикий, семантик, гносеологик имкониятлари ижтимоий-педагогик таъсир кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашнинг асосий соҳаларининг (оила, ижтимоий таълим ва тарбия, ижтимоий-педагогик реабилитация, ижтимоий ҳимоя) детерминантлигини эмпирик баҳолаш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир коммуникатив вазиятларини яратиш механизми объективлик (идрок этиш, тушуниш, фаолиятни таҳлил этиш) ва субъективликка (ўз-ўзини идрок этиш, ўз-ўзини тушуниш, шахсий тажрибасини таҳлил қилиш) йўналтирилган ситуатив таълимнинг аралаш ўқитиш билан идентифлигини рискологик тайёргарлик билан ички интеграциясини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

аралаш таълим шароитида бўлажак педагогларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик жараёнлар квазикасбий фаолиятнинг формал ва информал шакллари назарий-амалий тайёргарлик билан уйғунлаштиришга хизмат қилувчи электрон-методик таъминотни яратишнинг педагогик алгоритмини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик модели ўқув материалларнинг йирик блокларга бирлаштириш орқали электрон кўринишда ўқитиш (Replacement), электрон ресурслардан фойдаланиш орқали анъанавий таълимни ташкил этиш (Supplemental), электрон таълим орқали ўқув дастурларини ўзлаштириш (Emporium), индивидуал эҳтиёжлар асосида аудиторияда ва электрон ўқитишга доир машғулотларни мустақил равишда уйғунлаштириш (Buffet) моделларини миллий кредит-модуль тизимига адаптивлик даражасини таъминлаш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Tárbiya teoriyasi” (“Тарбия назарияси”) номли ўқув қўлланма яратилган;

“Ижтимоий педагогика” модулини ўқитишнинг электрон-дидактик таъминоти такомиллаштирилган;

“Boshlang`ich sinflarda ota-onalar bilan ishlash metodikasi” номли ўқув қўлланма яратилган;

“Педагогик атамалар луғати: ўзбек, рус, инглиз тилларида” номли дастурий таъминот яратилган (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 001164-сон гувоҳномаси);

“Методика преподавания родного языка (Часть I. Методика обучения грамоте)” номли ўқув қўлланма яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** методологик тамойилларга асосланганлиги, унда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларининг идентификациялиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “компетенция”, “компетентлик”, “ижтимоий-педагогик фаолият”, “аралаш таълим”, “ижтимоий-педагогик компетентлик” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятининг очиқ берилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш тузилмаси ва ижтимоий-педагогик функциялар архитектурасининг аниқлаштирилганлиги, “Ижтимоий педагогика” субмодулини ўқитишнинг назария ва амалиётдаги ҳолати таҳлил қилиниб, такомиллаштирилган дидактик таъминотни ишлаб чиқишга доир илмий таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал асосларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятларининг очиқ берилганлиги, талабаларда ижтимоий-коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга доир вазиятлар тизимининг ишлаб чиқилганлиги, педагогик рискология воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш асосий йўналишлари ва амалий жиҳатларининг аниқлаштирилганлиги, аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш модели ва уни амалга оширишнинг дидактик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилганлиги, “Ижтимоий педагогика” субмодулини ўқитишнинг дидактик таъминотининг такомиллаштирилганлиги, аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш шакл, метод ва воситаларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш тузилмасини мактаб, оила, микросоциум, турли тоифадаги болалар билан ишлашга доир ижтимоий-педагогик функцияларнинг интегративлик даражасини қатъий белгилаш, диагностик, коммуникатив, ташкилий каби малакалар доирасини анъанавий ва аралаш таълим шароитида кенгайтириб боришнинг таксономик архитектурасини лойиҳалаш асосида аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 5111700 – Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш ҳамда 5110900 – Педагогика ва психология таълим йўналишлари учун малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 89-03-5181-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетенциялар тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

психологик-педагогик билимларнинг фундаменталлиги тамойилига устуворлик бериш асосида “Ижтимоий педагогика” субмодулининг бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир мантикий, семантик, гносеологик имкониятларини ижтимоий-педагогик таъсир кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашнинг асосий соҳаларининг детерминантлигини эмпирик баҳолаш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан педагогика олий таълим муассасаларининг барча бакалаврият таълим йўналишлари талабалари учун “Pedagogika teoriyasi” номли дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи, 603-045-рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий тарбияни самарали ташкил этишга тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир коммуникатив вазиятларини яратиш механизмининг объективлик ва субъективликка йўналтирилган ситуатив таълимнинг аралаш ўқитиш билан идентификаторлигини рискологик тайёргарлик билан ички интеграциясини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5A111701 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим) магистратура мутахассислиги учун “Pedagogik kompetentlik” дарслигини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-160-рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак педагогларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантиришнинг коммуникатив компонентини такомиллаштиришга хизмат қилган;

аралаш таълим шароитида бўлажак педагогларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик жараёнларни квазикасбий фаолиятнинг формал ва информал шакллари назарий-амалий тайёргарлик билан уйғунлаштиришга хизмат қилувчи электрон-методик таъминотни яратишнинг педагогик алгоритминини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш бакалаврият таълим йўналиши учун “Baslawish talim pedagogikasi, innovaciya ham integraciyasi” дарслигини ишлаб чиқишда

фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-161-рақамли гувоҳнома). Натижада, аралаш таълим шароитида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик моделини ўқув материалларнинг йирик блоklarга бирлаштириш орқали электрон кўринишда ўқитиш, электрон ресурслардан фойдаланиш орқали анъанавий таълимни ташкил этиш, электрон таълим орқали ўқув дастурларини ўзлаштириш, индивидуал эҳтиёжлар асосида аудиторияда ва электрон ўқитишга доир машғулотларни мустақил равишда уйғунлаштириш моделларини миллий кредит-модуль тизимида адаптивлик даражасини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5A111701 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим) магистратура мутахассислиги учун “Pedagogik kompetentlik” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-160-рақамли гувоҳнома). Натижада, аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, 210 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган

биринчи бобда ижтимоий-педагогик компетентлик бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигининг муҳим компоненти эканлиги илмий асосланган, “Ижтимоий педагогика” субмодулининг бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир дидактик имкониятлари ёритиб берилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш доирасида замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга эга ёшларни муайян касб эгаси сифатида тайёрлашга доир қатор устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Сўнгги пайтларда таълим жараёнининг натижаларини кўпроқ “компетентлик” тушунчаси билан боғлаб келишмоқда. Мазкур муаммо бўйича илмий изланишлар олиб борган олимлар томонидан замонавий таълим амалиётида компетентлик “таълимий кадрият + мақсад + натижа” каби учта ҳолатда намоён бўлиши, чунки компетентлик, биринчидан, таълимнинг интеллектуал ва фаолиятга доир таркибий қисмларини ўзида бирлаштириши; иккинчидан, компетентлик тушунчаси “натижа асосида” шаклландиган таълим мазмунини талқин қилиш ғоясини ўзида акс эттириши; учинчидан, компетентлик интегратив табиатга эга эканлиги асосланган.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни амалга оширишда кўплаб олимлар унинг ижтимоий жиҳатига алоҳида эътибор қаратишган. Жумладан, И.А.Зимняянинг таъкидлашича, таълим натижасида инсонда ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли бажариш, бошқа одамлар билан ўзаро алоқада бўлишга имкон берадиган маълум бир яхлит ижтимоий-касбий сифат шаклланиши керак бўлади. Ушбу сифат И.А.Зимняя томонидан инсоннинг яхлит ижтимоий-касбий компетентлиги сифатида тавсифланган.

А.К.Маркова, В.А.Ситаров, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, Aila Paaso, Kati Korento, Adnan Hakim, J.Baumert, M.Kunter, W.Blum, U.Klusmann, S.Krauss ва M.Neubrand сингари олимлар педагогнинг касбий компетентлиги унинг тегишли фан соҳаси ва таълим-тарбия борасида махсус илмий-назарий билимларга, шунингдек, белгиланган вазифаларни самарали ҳал эта олиш лаёқатига эга бўлиши; махсус касбий этика асосида таълим олувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқадиган аниқ педагогик вазиятларнинг самарали ечимини топиши; касбий вазифаларни амалга ошириш бўйича педагогик фаолият жараёнида ҳар бир шахс олдидаги масъулият ва жавобгарликни ҳис этиши билан белгиланишини алоҳида қайд этиб ўтишган.

Республикамизда О.Мусурмонова, Н.А.Муслимов, М.Б.Уразова, М.Т.Мирсолиева сингари олимлар касбий компетентликни мутахассиснинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги, эгалланган касбий билим, кўникма ва малакаларни амалиётда қўллай олиш лаёқати билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳақидаги хулосага келишган.

Ўқитувчининг педагогик ва ижтимоий-педагогик компетентлиги ўртасидаги нисбат масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Н.Ю.Клименко ижтимоий-педагогик компетентлик – бу “ижтимоий

амалиётнинг ҳар қандай соҳасидаги мутахассиснинг касбий тайёргарлиги сифати ва касбий ўсиш даражасини акс эттирувчи касбий фаолиятининг зарурий тавсифи” деб талқин қилади ва унинг тузилмасини кўйидагича акс эттирган: “Педагог нимани билиши керак? Нимани қила олиши керак? Қандай шахсий сифат ва хусусиятларга эга бўлиши керак?”. Биз Н.Ю.Клименконинг фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда бўлажак педагоглар – бу ижтимоий-педагогик компетентликка эга бўлиши зарур бўлган мутахассислар тоифаси бўлиб, унинг шаклланиши олий таълимда таҳсил олишнинг дастлабки йилларидан бошланиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Демак, ижтимоий-педагогик компетентлик – бу бўлажак мутахассисни жамият, ижтимоий-маданий муҳит билан таништиришнинг зарурий қисми бўлиб, ўтмиш меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, воқеликни ижодий идрок этиш ва ўзгартира олиш қобилиятини ифода этади. У инсоннинг ижтимоий тажрибаси, истиқболда ўз-ўзини ривожлантиришга интилиши, менталлиги билан белгиланиб, дунёқараш ва фаолиятнинг мустаҳкам асосларини ўзида мужассам этади.

Тадқиқот доирасида ўқитувчи ва ижтимоий педагогнинг малакавий хусусиятларини таққослаш асосида умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси томонидан бажариладиган энг муҳим ижтимоий-педагогик функцияларнинг умумлаштирилган рўйхати ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Ўқитувчининг ижтимоий-педагогик функциялари мазмуни

Объектлар	Бошланғич таълим ўқитувчиси	Таянч ўрта таълим ўқитувчиси	Ўрта таълим ўқитувчиси
Таълим-тарбия жараёнининг диагностикаси ва таҳлили, ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларини ўрганиш, уларнинг кизиқишлари ва қобилиятлари, мулоқот доираси, яшаш шароитларини ўрганиш, боланинг ривожланиши ва унинг муаммоларига ижобий ва салбий таъсирларни аниқлаш.			
Мактаб	Болани мактаб шароитига мослаштириш бўйича ишлаш; ўқув жараёнида ўқувчини педагогик қўллаб-қувватлаш; болани кўшимча таълим ва тарбия тизимига жалб қилиш	Ўқувчиларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш; ўсмирларнинг юқори муваффақият кўрсаткичларига эришишига ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш; ўсмирларни Ёшлар иттифоқи ва ташкилий ишларга жалб қилиш	Юқори синф ўқувчиларини мақсадли касбга йўналтириш; юқори синф ўқувчиларининг дунёқарашини шакллантириш учун шароит яратиш; норасмий гуруҳларда ижобий хулқ-атвор ва мулоқот тажрибасини ташкил этиш
Оила	Ота-оналарнинг педагогик таълими; боланинг ота-онасини синф фаолиятига жалб қилиш; ота-оналарга болаларни тарбиялаш кўникмаларини ўргатиш	Оиланинг таълимий салоҳиятини ошириш; “хатар гуруҳи”даги оилаларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш; оила тарбиясига жамоат ташкилотларини жалб қилиш	Оилавий психологик-педагогик маслаҳат; ота-оналарга мутахассислар (психолог, шифокор, ҳуқуқшунос ва бошқалар) билан маслаҳат бериш; ота-оналарга турли хил масалалар тўғрисида маълумот бериш.
Микросоциум	Боллага бўш вақтини режалаштиришда ёрдам бериш; кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ва уларнинг оилалари билан ижтимоий-педагогик лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	Ўсмирларнинг ижтимоий-педагогик муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беришда жамоат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш; норасмий қўшничилик – дўстона муҳитда болаларнинг ижтимоий тажрибасини ташкил этиш	Мактаб номидан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ишида иштирок этиш; болалар ва уларнинг ота-оналари билан маданий-маърифий, бўш вақт, спорт-оммавий ишларни олиб бориш

Турли тоифадаги болалар билан ишлаш	Ижтимоий ҳимояланмаган болалар билан ишлаш; турмуш шароити оғир бўлган болаларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш; ўзлаштиришга берадиган қўшимча дарсларни ташкил этиш.	Ижтимоий ҳолати оғир болалар билан ишлаш; мактаб дезадаптациyasi ва ижтимоий қаровсизликнинг олдини олиш; иктидорли болалар билан ишлаш, болаларнинг билишга қизиқишлари ва ижодий фаолиятини ривожлантириш.	Юқори синф ўқувчиларини ўз ўрнини топиши билан боғлиқ муаммолар юзга келганда уларни қўллаб-қувватлаш, ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш; ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш
-------------------------------------	---	--	--

Мазкур ижтимоий-педагогик функциялар таксономик тавсифга эга бўлиб, ижтимоий-педагогик фаолиятнинг узвийлиги ва узлуксизлиги архитектурасига қатъий риоя қилишни такозо этади. Ана шу нуқтаи назардан тадқиқотда архитектура ижтимоий-педагогик функцияларнинг яхлитлиги, ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги ҳамда коммуникатив, ташкилий ва диагностик малакалар доирасини аниқ белгилаб беришнинг методологик асоси сифатида талқин қилинди.

Тадқиқот доирасида “компетентлик”, “педагогик компетентлик”, “ижтимоий-педагогик компетентлик” тушунчаларини таҳлил қилиш, бўлажак ўқитувчи касбий фаолияти хусусиятлари, унинг ижтимоий-педагогик функцияларининг ўзига хослиги асосида бошланғич синф ўқитувчисининг ижтимоий-педагогик компетентлиги тузилмасини аниқлаштирдик (1-расмга қаранг).



**1-расм. Бўлажак ўқитувчининг ижтимоий-педагогик компетентлиги тузилмаси**

Ижтимоий-педагогик фаолиятга йўналтирилган бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги олий педагогик таълим тизимида ўқитилаётган барча фан блокларининг узвий бирлиги орқали амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, “Умумий педагогика” фанининг “Ижтимоий педагогика” модули ўқитувчининг касбий тайёргарлигини ижтимоий-педагогик йўналтиришнинг тизимли ташкилий компоненти ҳисобланади. Ушбу модулни ўқитувчининг касбий тайёргарлиги дастурига

киритиш куйидаги замонавий шарт-шароитлар билан бевосита боғлиқ: шахс ва тез суръатларда ривожланаётган жамият муносабатларини инсонпарварлаштириш зарурати; ижтимоий амалиётнинг барча соҳалари (ижтимоий институтлар фаолияти, ижтимоий хизматлар тизими) ривожланишини илмий жиҳатдан таъминлашда ижтимоий-педагогик билимларнинг аҳамияти; ижтимоий-педагогик фаолиятнинг ролини ошириш.

“Ижтимоий педагогика” бўлажак педагогларда мактаб ва мактабдан ташқари муносабатларнинг бутун тизимида ўқувчининг ижтимоий шаклланиши жараёнининг яхлит андозасини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Айнан ижтимоий педагогика ўзининг интегратив хусусиятига эга бўлиб, мутахассиснинг тизимли ижтимоий-педагогик тафаккурини ривожлантириш, ўқитувчининг касбий вазифаларни яхлит ҳал қилиш жараёнида маълум бир фан материалининг бошқа фанларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда алоқалари тизими билан уйғунлигини таъминлаш қобилияти сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Компетенциявий ёндашув нуқтаи назаридан “Ижтимоий педагогика” модули биз томондан махсус педагогик, яъни талабаларни ижтимоий-педагогик фаолиятга тайёрлаш воситаси сифатида талқин қилинди. Натижада, ўқув модули мазмунини танлаш дидактикада ишлаб чиқилган ва замонавий шароитда долзарб бўлган қоидалар асосида амалга оширилиши керак; модул мазмунида ўқув материалининг мураккаблиги ва диққат марказига қараб йирик блоklarни ажратиш керак; мазмун “фаолиятга йўналтирилганликка” эга бўлиши керак, яъни ўқув фани мақсадлари ва мазмунида талаба модул бўйича материалларни муваффақиятли ўзлаштиргандан сўнг ўз ечимини топадиган вазифалар аниқ белгилаб берилиши лозим, деган қатор хулосаларга келинди.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик асослари”** деб номланган иккинчи бобида педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятларини кенгайтириш орқали бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш, ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантиришга доир коммуникатив вазиятларни яратиш йўллари ҳамда педагогик рискология воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш масаласи ёритиб берилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятларини кенгайтиришнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи уч йўналишини ажратиб кўрсатишга асосланди. Биринчи йўналиш – педагогик-психологик фанларнинг аксиологик асосларини кенг оммалаштириш; иккинчи – талабалар ўқув фаолиятини ижтимоий-педагогик тавсифдаги маълумотлар билан бойитиш; учинчи – аввалги икки босқични татбиқ этиш бўйича ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш.

Биринчи босқич – “горизонтал йўналиш”нинг мақсади анъанавий ўқув

режасини танлов фанлари асосида такомиллаштиришдан иборат бўлди. Бундай курсларнинг турли-туман бўлиши ва ўқув режасидаги танлов фанлари компонентга ажратилган вақт ҳисобидан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилди. Иккинчи босқич – “вертикал йўналиш”да таълим мазмунини бойитишни кўзда тутиб, у қуйидагилар орқали таълимнинг жадаллигининг таъминланишига хизмат қилди: ўқув материали ва унинг ижтимоий-педагогик асосларини чуқурлаштириш; махсус ишлаб чиқилган алгоритм бўйича ўрганиш фаолиятини амалга ошириш; ўрганилаётган мавзунини ижтимоий-педагогик тавсифдаги реал далиллар билан бойитиш; замонавий (рақамлашган) болаларнинг ижтимоий-педагогик муаммоларини чуқур таҳлил қилишга қаратилган таълим модулини белгилаш; талабаларни ижтимоий-педагогик лойиҳаларга жалб этиш; мустақиллик, мустақил таълим; ахборот муҳитини бойитиш – вақт, воситалар, материаллар, турли ўқитиш шаклларида унумли фойдаланиш.

Таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантиришга доир коммуникатив вазиятларини яратиш йўллари ишлаб чиқилди. Вазиятларни танлашда қуйидаги тамойилларга таянилди: ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, маънавий салоҳиятга эгаллик, витагенлик (ҳаётий тажрибага асосланиш), креативлик, тизимлилик, структуралаш, қўшимча ахборотлар билан бойитиш.

Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-коммуникатив компетенцияни ривожлантирувчи махсус вазиятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу каби вазиятлар икки гуруҳга ажратилди: объектив ва субъектив.

Ижтимоий-коммуникатив компетенциянинг намоён бўлишини аниқ акс эттириш учун унинг кўрсаткичлари (мазмунга доир, йўналтирувчи, фаолиятга доир) ҳамда мазкур жараён самарадорлигини баҳолаш бўйича махсус диагностик методика ишлаб чиқилди. Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-коммуникатив компетенциянинг намоён бўлиш тавсифини аниқлаштириш ва хусусий (коммуникативлик билан боғлиқ) тамойилларга мувофиқ вазиятлар тизимлаштирилди ҳамда гуруҳлаштирилди.

Тадқиқот жараёнида педагогик рискология воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг зарурати илмий асосланган ва мазкур жараён самарадорлигини оширишнинг педагогик имкониятлари аниқлаштирилган. Рискология (шу жумладан, педагогик ва амалий рискология) – бу касбий рискларни илмий тадқиқ этишнинг янги йўналиши ҳисобланади.

Рискология таълимда барқарор ривожланиш назарияси ва бошқа ижтимоий-фалсафий ва ҳуқуқий йўналишлар билан биргаликда ўрганилади, бу эса, бизга дунёқарашга, ўқув жараёнидаги қадриятларга эътибор беришга имкон беради. Ижтимоий-педагогик фаолият жараёнида турли хил рисклар юзага келиши мумкин, чунки мазкур жараён ноаниқликнинг катта қисмини ташкил этади. Тадқиқотлар натижасида ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишда юзага келадиган рисклар тавсифланиб, унда рискларни юзага

келтирувчи омиллар, рискларнинг турлари ва уларнинг мазмуни очиб берилди.

Шулар орасида педагогик касбида ижтимоий рисклар ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида ишлаб чиқилган тенг қийматли тизимларнинг кўплиги ғоясига асосланади ва ўқитувчиларнинг шахсий мақсадлари, қарашлари, фаразлари, талаблари педагогик жамоанинг жамоавий мақсадлари, имкониятлари, режалари ва танловларига мувофиқлиги даражаси билан белгиланади.

Бизнинг фикримизча, таълимда ижтимоий-педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун бўлажак ўқитувчилар тасодифий рискларни олдини олиш ёки бартараф этиш чора-тадбирларини олдиндан прогнозлаш малакасига эга бўлиши керак. Бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш таълим-тарбия жараёнида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этиш лаёқати билан ҳам бевосита боғлиқдир. Зиддиятли вазиятлардан чиқишни билмаслик, ҳар қандай инсон учун муомала жараёнида пайдо бўладиган кўплаб кундалик қийинчиликларни енгиб ўтиш, жисмоний ва психик соғлиққа путур етказувчи эмоционал стрессларга олиб келади. Педагогик жараёнда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, уларнинг асосий сабабчиси ўқитувчи бўлиб қолади. Бундай вазиятлардаги рисклар ҳам педагоглардан ижтимоий-педагогик компетентликни талаб этади.

Рискларни бошқариш – мураккаб ва кўп босқичли жараён бўлиб, у ҳаракатлар кетма-кетлигига қараб шартли равишда қўйидаги босқичларга бўлиниши мумкин: рискларни аниқлаш (аниқлаш, эҳтимолликни баҳолаш, оқибатларини прогноз қилиш); рискларни бошқариш усулларини танлаш (альтернатив усулларни таҳлил қилиш, оптималларини танлаш); рискларни бошқариш дастурини ишлаб чиқиш (танланган усуллар асосида риск эҳтимолини камайтириш ва уларнинг салбий оқибатларини камайтириш бўйича чора-тадбирлари кўзда тутилган); ишлаб чиқилган дастурни амалга ошириш (режалаштирилган тадбир-ларни амалда бажариш); рискларни бошқариш натижаларини баҳолаш (зарур ҳолларда дастурни коррекциялаш).

Тадқиқот жараёнлари пандемия шароити билан бевосита боғлиқ ҳолатларда амалга оширилганлиги сабабли онлайн таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик компетентлигини педагогик рискология билан уйғун тарзда ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этиши ҳақидаги хулосага келинди. Таҳлил натижалари бўлажак ўқитувчининг турли рисклар юзага келиши вақтида нафақат ўқувчилар, балки ота-оналар, жамоатчилик, виртуал муҳит билан ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириши ўз навбатида педагогика олий таълим муассасаси талабаларида рискологик компетенцияни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги тадқиқот фаразининг тўғрилигини таъкидлаб ўтиш имконини берди.

Диссертациянинг **“Аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривож-**

**лантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган учинчи бобида аралаш таълим бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш воситаси эканлиги илмий асосланган ҳамда мазкур жараёни амалга оширишнинг ахборотлашган моделини лойиҳалаш алгоритми ва дидактик модели ёритиб берилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг аралаш таълим шакли касбий фаолиятга тезроқ мослашиш ва самарали фаолият юритишни талаб этаётган замонавий ўқитиш тизимининг асосий талабларидан биридир. Бироқ муаммонинг назария ва амалиётдаги таҳлили мазкур жараёнда қуйидаги қарама-қаршилиқларнинг мавжудлигини кўрсатди: аралаш таълимнинг концептуал асосларини аниқ шарт-шароитга мослаштириш механизмининг такомиллаштириш эҳтиёжи; аралаш таълим моделларига мувофиқ бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари аниқланмаганлиги; аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш модели ва уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилмаганлиги ва ҳ.к.

Аралаш таълим модели – бу талабаларнинг индивидуал таълим траекторияси орқали курсдошлари, ўқитувчи ва ўқувчилар билан коммуникативликка асосланган ўқув-билиш фаолияти комбинациясини ўз ичига олган бир бутун, яхлит ўқув жараёни бўлиб, унда ўқитувчи-талаба ҳамкорлигидаги анъанавий-масофавий ва мустақил таълим жараёнларининг уйғунлиги ҳамда анъанавий формал, ноформал ва информал таълим турлари интеграциясини таъминлашни ўзида акс эттиради.

Тадқиқот доирасида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган аралаш таълим технологияси учта асосий ташкилий шаклни ўзида ифода этди: масофавий ўқитиш (Distance Learning), аудиторияда ўқитиш (Face-To-Face Learning) ва Интернет орқали ўқиш (Online Learning). Бундай модел ижтимоий-педагогик фаолият мақсадини кўзда тутувчи ўқув материалларини ўрганиш вақти, жойи, тезлиги ва амалга ошириш тактикасини интенсив бошқариш имконини беради. Аралаш таълим ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантиришда анъанавий ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини бирлаштиришга имкон беради. Ушбу тизимнинг компонентлари доимий ўзаро боғлиқликда ишлайди ва уни амалга ошириш дидактик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши лозим.

Шундай қилиб, аралаш таълим модели концепциясини, шунингдек унинг мақсадлари ва афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, айтиш мумкинки, ўқитишнинг мазкур технологияси таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи ўқув ва технологик ресурсларни жалб қилган ҳолда ўқитишни мослашувчанлик асосда ташкил этишга имкон беради. Ана шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга доир қуйидаги ўқитиш шакллари тизими

аниқлаштирилди: талаба ва ўқитувчи ўртасида бевосита мулоқот, аудиториядаги машғулотлар, маърузалар ҳимояси, назорат ишлари, тестлар, оғзаки, ёзма ва амалий назорат методларини кўзда тутувчи анъанавий ўқитиш; ўқитувчининг тизимли маслаҳатларини ташкил қилишда матнлар, аудиовизуал ва мультимедиали ўқув материаллари тўпламлари (кейслар)дан фойдаланишга асосланган ҳолда талабаларнинг мустақил ишлашига йўналтирилган ситуатив таълим; талабаларни ўқув-услугий материаллар билан ва ўқитувчи, ўқувчилар ҳамда жамоатчилик билан интерактив ўзаро алоқасини таъминлаш учун виртуал муҳит, телекоммуникация воситалари ёрдамида ташкил этилган тармоқлар орқали ўқиш (e-learning).

Тадқиқот доирасида аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда қуйидаги шакл ва методлардан фойдаланилди: офлайн семинар (конференция); тақдимот; ролли ўйинлар; ротация, амалий машғулот; лойиҳалар устида ишлаш; кейс-стади; тренинг; мустақил иш; семинар; узлуксиз педагогик амалиёт; тьюторлик; лойиҳаларда иштирок этиш; лойиҳавий-таҳлилий сессия; лойиҳаларни индивидуал ҳимоя қилиш; лойиҳаларни гуруҳда ҳимоя қилиш; имтиҳон; вебинар; видеоконференция; синф раҳбарлик; видео маъруза; виртуал маслаҳат; назорат ишларини бажариш; виртуал тьюториал; коучинг; ишбилармонлик ўйини; консултация; маъруза; фэдбэк (қайта алоқа); лаборатория ишлари; маҳорат дарслари; таълим туризми ва бошқалар.

Сўнги вақтларда “ахборот-таълимий муҳит” атамаси амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бунинг боиси айни пайтда узлуксиз таълим ташкилотлари ўзаро ахборот алмашинувини махсус дастурий воситалар ёрдамида амалга оширмоқда. Ана шу сабабли бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш ўз навбатида уларни ахборот-таълимий муҳитда самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрлашни тақозо этади. Бунинг учун педагогика олий таълим муассасаларида қуйидаги дидактик шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади: умуминсоний маданият билан мулоқотга киришиш воситалари тизими. У асрлар давомида тўпланган билимлар мазмунини ташкил қилувчи ахборотни сақлаш, тартибга солиш ва тақдим этиш, шунингдек уни узатиш, қайта ишлаш ва бойитишга хизмат қилади; ахборот билан мустақил ишлаш тизими; ўқув жараёни иштирокчилари ўртасида вертикал ва горизонтал йўналишда интенсив алоқаларнинг мавжудлиги.

Таҳлил натижалари асосида бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик фаолиятга йўналтирилган ахборот-таълимий муҳитнинг қуйидаги беш блокдан иборат тузилмаси аниқлаштирилди: кадриятли-мақсадли, дастурий-методик, ахборот-билиш, коммуникатив, технологик. Жумладан, кадрият-мақсадли блок педагогик таълимнинг мақсад ва кадриятларини ўз ичига олиб, улар белгиланган ўқитиш мақсадларига эришишда аҳамиятли бўлиши мумкин; дастурий блок бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш стратегияги ва тактика,

дастурий таъминот билан боғлиқ барча зарур маълумотларни ўз ичига олади; ахборот-билиш блоки ижтимоий-педагогик фаолиятни амалга оширишга доир аниқ билим, кўникма ва малака, амалий фаолият тажрибаси ҳамда компетенциялар мажмуини ўз ичига қамраб олади. Бундан ташқари, мазкур блок ижтимоий-педагогик фаолиятда ахборотнинг ўрни ва аҳамиятини белгилаб беришга ҳам хизмат қилади; Коммуникатив блок педагогик жараён иштирокчилари ўртасидаги ўзаро самарали мулоқот ва алоқа-муносабатлар тизимини ўзида ифода этади; технологик блок ахборот-таълимий муҳит учун зарур барча интерактив дастурий воситаларни ўз ичига қамраб олади.


Тадқиқот натижалари асосида аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни аралаш таълим шароитида ривожлантиришнинг энг мақбул педагогик шарт-шароитлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди: аралаш таълим асосида интегратив таълим муҳити (анъанавий, масофавий ва мустақил таълим)ни яратиш; талабаларнинг ноформал ва информал тарзда мустақил таълим олишга тайёргарлиги, ўқитишнинг аралаш моделининг мажбурий элементи мавжудлиги; талабаларда масофадан мулоқот қилиш қобилиятини шакллантириш; педагогик компетентликни ривожлантириш бўйича қўйилган масаларни биргаликда ечиш ва ишончли мулоқотни, ўзаро фойдали ҳамкорликни назарда тутувчи ижтимоий ҳамкорликни мустақамлаш; педагогик лойиҳалашнинг ресурс ва методик таъминотини таъминлашга йўналтирилган махсус аралаш таълим муҳитини яратиш.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида аниқлаштирувчи ҳамда шакллантирувчи тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ва натижалари ёритиб берилган.

Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари 2018–2022 йилларда Нукус, Навоий, Жиззах давлат педагогика институтлари ва Бухоро давлат университетининг бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш ҳамда педагогика ва психология бакалавриат йўналишлари талабалари билан олиб борилди. Жами бўлиб, мазкур таълим йўналишларининг турли курсларида таълим олаётган 980 нафар талабалари иштирок этган бўлиб, бу талабаларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида назарий ва амалий тайёргарлик уйғунлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир.

Тадқиқот фарази асосида биз бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлиги тузилмасига мувофиқ унинг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва диагностик методлар мажмуи ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг).



**2-расм. Аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш модели**

**Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва диагностик методлари тизими**

Мезонлар	Кўрсаткичлари	Диагностик методлари
<b>Мотивацион-когнитив</b>	танланган мутахассисликдан қониқиш даражаси; психологик-педагогик туркум фанлари бўйича талабаларнинг академик ўзлаштириш кўрсаткичлари	касб танлаш мотивациясини аниқлаш методикаси; якуний назорат натижаларини таҳлил қилиш
<b>Касбий-фаолиятли компонент</b>	ижтимоий-педагогик вазифаларни қўя билиш малакаси; ижтимоий-педагогик фаолиятни прогноз қила олиш; коммуникатив малакалари; ташкилий малакалари; талабаларнинг педагогик қобилиятлари.	талабаларнинг ўз-ўзини баҳолаши ва ўз касбий сифатларини баҳолаш методикаси, талабаларнинг коммуникатив мойиллигини аниқлаш методикаси, педагогик амалиёт натижаларини баҳолаш.
<b>Касбий-шахсий компонент</b>	“ахлоқий-қадриятли сифатлар ва касбга муносабат” деб таърифланган хусусиятлар; “кишиларга муносабат” тушунчасида ўз ифодасини топган сифатлар.	суҳбатлар, шахсий эмпатия шкаласи, ижодий ишлар таҳлили, эксперт баҳолаш.

Бўлажак ўқитувчиларининг ижтимоий-педагогик компетентлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида қуйидаги даражалар белгилаб олинди: юқори, ўртача, паст.

Юқори даража: талабада касбий вазифаларни самарали ечиш усуллари шаклланган; илмий-тадқиқот ишларига қобилият ва тайёргарлик яққол намоён бўлади; мулоқотда очиқлик, киришимлилик, мослашувчанликни намоён қилади, дўстона муносабатларни ўрнатишни билади; ташкилотчилик қобилиятига эга; эмпатия ва рефлексия юқори даражада ривожланган; ижодкорлик, ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўз-ўзини англаш учун доимий интилишни намоён этади.

Ўртача даража – маълум даражада назарий билимларга эга, аммо талаба уни амалда қўллашда қийналади; унинг қобилияти фақат маълум бир вазият доирасида билимларни қўллаш билан чекланган; мулоқотга киришувчан, аммо бошқалар билан муносабатларда ҳар доим ҳам мослашувчан эмас; ташкилий сифатлар етарли даражада намоён бўлмайди; танланган касбий фаолиятга қизиқиш етарли даражада ифода этилмаган; эмпатия ва рефлексия етарли даражада ривожланган; ижодий фаолият ташқи томондан рағбатлантирувчи омиллар таъсири остида амалга оширилади; ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ўзи англаш учун эҳтиёжи паст.

Паст даража – касбий фаолиятга бир оз қизиқиш билдиради; бошқалар билан ўзаро алоқа ўрнатиши қийин; ташкилотчилик қобилиятини камдан-кам намоён этади; эмпатия ва рефлексия камдан-кам учрайди, бу эса тенгдошлар ва педагоглар билан яқин алоқаларни ўрнатишга тўсқинлик қилади, креативлик унчалик ривожланмаган, ўзини ўзи ривожлантириш ва ўзини ўзи англашга интилмайди.

Натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш учун В.Ф.Ряховский методикаси, Стьюдент-Фишер ва хи-квадрат мезонларидан комплекс фойдаланилди.

Тадқиқотнинг шакллантирувчи тажриба-синов ишлари босқичи табиий шароитларда амалга оширилди: маъруза, семинар ва амалий машғулотлар,

талабаларнинг педагогик амалиёти. Шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг куйидаги вазифалари аниқланди: умумий педагогика фанининг “Ижтимоий педагогика” модули бўйича такомиллаштирилган дидактик таъминотни педагогика олий таълим муассасалари ўқув амалиётида синовдан ўтказиш; педагогик амалиёт жараёнида талабалар – бўлажак ўқитувчиларининг ижтимоий-педагогик компетентлигининг компонентларини ривожлантириш учун шароит яратиш.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари вазифаларига мувофиқ иккита тажриба ва иккита назорат гуруҳи ташкил қилинди. 1- ва 2-тажриба гуруҳларига мос равишда “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш”, 1- ва 2-назорат гуруҳлари “Педагогика ва психология” ҳамда “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” бакалавриат таълим йўналишлари талабаларидан ташкил топди.

Г.А.Воронина томонидан таклиф қилинган бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий тарбияни ташкил этишга тайёрлигининг объектив даражасини аниқлаш методикасига асосланиб, ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш шакл ва методларини босқичма-босқич амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилди. Ҳар бир босқичнинг кутилаётган натижалари бўлажак ўқитувчининг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш моделининг таркибий тузилмаси билан мос келади, бу эса “Ижтимоий педагогика” модулини ўқитиш жараёнида мазкур алгоритмдан фойдаланишга тўлиқ имкон берди.

Умумлаштирилган тарзда бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликнинг ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Ижтимоий-педагогик компетентликни баҳолашнинг мотивацион-когнитив, касбий-фаолиятли ва касбий-шахсий мезонлари бўйича натижалар таҳлили


Даража	1 ТГ				1 НГ				2 ТГ				2 НГ			
	Аниқ.		Наз.		Аниқ.		Наз.		Аниқ.		Наз.		Аниқ.		Наз.	
	Сони	% да	Сони	% да	Сони	% да	Сони	% да	Сони	% да	Сони	% да	Сони	% да	Сони	% да
Юқори	79	32,4	112	45,9	75	31,5	79	33,2	83	33,1	119	47,4	78	31,6	81	32,8
Ўрта	89	36,5	87	35,7	85	35,7	93	39,1	91	36,3	83	33,1	86	34,8	98	39,7
Паст	76	31,1	45	18,4	78	32,8	66	27,7	77	30,7	49	19,5	83	33,6	68	27,5

Ишончлилиқ  $\chi^2$ : ТГ1 ва НГ 1 (9,801 > 5,99), ТГ 2 ва НГ 2 (11,517 > 5,99).


2 % кўрсаткич натижалари шуни кўрсатадики, ижтимоий-педагогик компетентлик компонентларининг ривожланганлик даражалари динамикаси тасодифий эмас, балки мақсадли равишда ташкил этилган фаолият натижасида юзага келади. Олинган маълумотлар “Ижтимоий педагогика” модули бўйича такомиллаштирилган дидактик таъминотни ўқув амалиётига татбиқ этиш орқали 1-, 2-ТГ гуруҳларида 1-, 2-НГ билан таққосланганда ижтимоий-педагогик

компетентликнинг ривожланганлик даражалари педагогик амалиёт жараёнида ижобий томонга ўзгарганлигини кўрсатади.

Мазкур ҳолатга янада аниқлик киритиш учун 3- ва 4-расмларда тажриба ва назорат гуруҳи натижалари диаграмма кўринишида тақдим этилди.



**3-расм. 1 ТГ ва 1 НГ талабаларининг аниқлаштирувчи ва назорат тажриба синов ишлари босқичида ижтимоий-педагогик компетентлик даражасининг ривожланганлик самарадорлиги**



**4-расм. 2 ТГ ва 2 НГ талабаларининг аниқлаштирувчи ва назорат тажриба синов ишлари босқичида ижтимоий-педагогик компетентлик даражасининг ривожланганлик самарадорлиги**

Шундай қилиб, замонавий илмий ёндашувлар (тизимли, фаолиятга йўналтирилган, компетенциявий) асосида ишлаб чиқилган “Ижтимоий педагогика” модулининг такомиллаштирилган дидактик таъминоти бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш самарадорлигини ошириши ҳақидаги фаразимиз ўз исботини топди. Бу эса, ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги сифатида ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

## ХУЛОСА

Аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бўлажак ўқитувчи учун ижтимоий-педагогик компетентлиликнинг муҳимлигини алоҳида эътироф этган ҳолда, мазкур лаёқатнинг мақсадга мувофиқ равишда ривожлантирилиши ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитларга муваффақиятли мослашиш, аралаш таълим муҳити шароитида объектив ва субъектив рискларга психологик-педагогик тайёрликка ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

2. “Компетентлик”, “педагогик компетентлик”, “ижтимоий-педагогик компетентлик” тушунчаларини таҳлил қилиш, бошланғич таълимнинг ижтимоий-педагогик хусусиятларининг ўзига хослигини ажратиб кўрсатиш орқали бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш тузилмаси ва компонентлари аниқлаштирилди. Тузилма компетентликнинг қайси даражалари инсоннинг психик ва шахсий ривожланиши ва бошқалари касбий педагогик фаолиятни ўзлаштиришнинг психологик қонуниятлари асосида шаклланишини белгилаб беради.

3. “Ижтимоий педагогика” модули бўлажак педагогларда мактаб ва мактабдан ташқари муносабатларнинг бутун тизимида ўқувчининг ижтимоий шаклланиши жараёнининг яхлит андозасини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Айнан ижтимоий педагогика ўзининг интегратив хусусиятига эга бўлиб, мутахассиснинг тизимли ижтимоий-педагогик тафаккурини ривожлантириш, ўқитувчининг касбий вазифаларни яхлит ҳал қилиш жараёнида маълум бир фан материалининг бошқа фанларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда алоқалари тизими билан уйғунлигини таъминлаш қобилияти сифатида муҳим аҳамият касб этади.

4. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи уч йўналиши аниқлаштирилди: 1) педагогик-психологик фанларнинг аксиологик асосларини кенг оммалаштириш; 2) талабалар ўқув фаолиятини ижтимоий-педагогик тавсифдаги маълумотлар билан бойитиш; 3) аввалги

икки босқични татбиқ этиш бўйича ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш.

5. Педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини махсус алгоритм асосида амалга ошириш бўйича фаолиятни ташкил этиш ўзида мазкур фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг педагогик механизмини акс эттирди. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган педагогик алгоритм машғулотларда диалог, полилог вазиятларни ташкил этишга имкон берди.

6. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-перцептив мулоқот услуби тавсифини аниқлаш натижасида ва қатор тамойилларга мувофиқ вазиятлар (объект ва субъектга доир) тизимлаштирилди ҳамда гуруҳлаштирилди (ижтимоий ҳаётни идрок этиш, тушуниш, фаолият ва хулқ-атворни таҳлил этишга доир вазиятлар; ўз-ўзини идрок этиш, ўзининг касбий камолот даражасини тушуниш, шахсий тажрибасини таҳлил этишга доир вазиятлар).

7. Тадқиқот доирасида бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этиш жараёнида рискларни бошқаришга тайёрлашнинг беш босқичи аниқланди: 1) рискларни аниқлаш; 2) рискларни бошқариш усуллари танлаш; 3) рискларни бошқариш дастурини ишлаб чиқиш; 4) ишлаб чиқилган дастурни амалга ошириш; 5) рискларни бошқариш натижаларини баҳолаш.

8. Аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш уч асосий ўқитиш шаклини ўзида ифода этади: масофавий ўқитиш (Distance Learning), аудиторияда ўқитиш (Face-To-Face Learning) ва Интернет орқали ўқиш (Online Learning). Ушбу тизимнинг компонентлари доимий ўзаро боғлиқликда ишлайди ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши керак. Ўқув фанларини ўқитишда энг мақбул натижаларга эришиш ташкилий ва таркибий жиҳатларга боғлиқ, чунки таълим жараёнининг барча элементлари ўзаро таъсирлашиши ва бир бутунни ташкил қилиши керак.

9. Аралаш таълим модели концепциясини, шунингдек унинг мақсадлари ва таъкидланган афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув ва технологик ресурсларни жалб қилган ҳолда ўқитишни мослашувчанлик асосда ташкил этишга имкон беради. Натижада, талаба ва ўқитувчи ўртасида бевосита мулоқот, ўқитувчининг тизимли маслаҳатларини ташкил қилиш, талабаларни ўқув-услубий материаллар билан ва ўқитувчи, талабалар ҳамда таълим муассасалари маъмурияти ўртасида интерактив ўзаро алоқани таъминлаш учун инструментал муҳит, телекоммуникация тармоқлари ёрдамида ташкил этилган тармоқлар орқали ўқиш(e-learning) ўқитиш шакллари уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

10. Аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик модели

тузилмаси кўйидаги компонентларни ўзида акс эттиради: мақсадли (ижтимоий буюртма, мақсад ва вазифалар); мазмунли (таълим олувчилар ўқув-педагогик фаолиятининг назарий, методик ва технологик жараёнлари); ташкилий-педагогик; натижавий-баҳолашга доир.

11. Тадқиқот доирасида бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий тарбияни ташкил этишга тайёрлигининг объектив даражасини аниқлаш методикасига асосланиб, ижтимоий таълим-тарбия шакллари ва усуллари босқичма-босқич амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилди. Ҳар бир босқичнинг кутилаётган натижалари бўлажак ўқитувчининг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш моделининг таркибий тузилмаси билан мос келади, бу эса “Ижтимоий педагогика” модулини ўқитиш жараёнида мазкур алгоритмдан фойдаланишга тўлиқ имкон беради.

12. Ўқитувчининг мактабдаги касбий фаолияти соҳалари, ижтимоий-педагогик компетентлик компонентлари ва “Ижтимоий педагогика” модулининг мазмуни ўртасидаги ўзаро алоқадорликдан талабаларнинг педагогик амалиётини ўтказиш жараёни самарали фойдаланиш имконини берди. Амалиётни ўташ жараёнида биринчидан, назарий машғулотлар жараёнида олинган билимларни қўллаш учун шароит яратиш, иккинчидан, “Ижтимоий педагогика” модули мазмунини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш, ўқитиш шакл, метод ва воситаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўлинди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1) аралаш таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг дастурий-дидактик таъминоти илғор хорижий тажрибалар ва янги Ренессанс педагогикаси талаблари асосида такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ;

2) бўлажак ўқитувчиларда рискологик компетентликни ривожлантириш, инновацион таълим муҳити шароитида юзага келадиган объектив ва субъектив рискларни бартараф этиш малакаларини шакллантиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш лозим;

3) таълим ва тарбиянинг замонавий парадигмаларини педагогика йўналишида кадрлар тайёрлаш жараёнларига татбиқ этишнинг универсал педагогик механизминини ишлаб чиқиш зарур;

4) бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида ўқитишнинг 4+2 схемаси орқали дуал таълимни ташкил этишнинг самарали моделларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим;

5) аралаш таълим шароитида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишнинг инновацион шакллари жорий этиш орқали бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик фаолият метод ва технологияларидан самарали фойдаланишга тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади;

б) педагогика таълим соҳасининг барча бакалаврита йўналишлари ўқув режасига “Ижтимоий педагогика” ва “Инклюзив таълим ва госпитал педагогика” модулларини мажбурий фан сифатида киритиш ҳамда уни амалиётга йўналтирилган тарзда ўқитишга алоҳида эҳтиёж ва зарурият мавжуд.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12. 2019.Ped.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ  
ЯЗЫКОВ**

**КУРБАНИЯЗОВА ЗАМИРА КАЛБАЕВНА**

**РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ  
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ В УСЛОВИЯХ СМЕШАННОГО ОБУЧЕНИЯ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора (DSc) ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

**Нукус – 2022**

Тема диссертации доктора (DSc) наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.1.DSc/Ped275.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ndpi.uz](http://www.ndpi.uz)) и Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный консультант:**

**Мусурманова Айниса**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Содикова Шохид Мархабоевна**  
доктор социологических наук, профессор

**Курунов Мухаммаджон**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ходжаев Бегзод Худайбердиевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «26» 08 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 по присуждению ученых степеней при Нукусском государственном педагогическом институте. (Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейтова, дом б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: [nkspi\\_info@edu.uz](mailto:nkspi_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукусского государственного педагогического института (зарегистрирована за № 41). (Адрес: 230105, город Нукус, улица П.Сейтова, дом б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75).

Автореферат диссертации разослан «12» 08 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 41 от «12» 08 2022 года).



**Б.П. Отемуратов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.ф-м.н., доцент

**Г.Е. Карлыбаева**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых  
степеней, д.п.н., профессор

**А.К. Пазылов**  
Председатель Научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, к.п.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Процессы глобализации и информатизации в мире, педагогические риски, возникающие в условиях пандемии и инновационной образовательной среды, требуют внесения оперативных изменений в систему образования, в этом отношении все больше возрастает значение электронного обучения. В практике электронного обучения модели смешанного обучения (blended learning), такие как Face-to-facedriver, Rotation, Flex, Onlinelab, Self-blend, Onlinedriver, широко используются не только при подготовке специалистов для реальных секторов экономики, но и при развитии социально-педагогической компетентности будущих учителей. Зарубежный опыт, накопленный в развитых странах, показывает необходимость совершенствования механизмов эффективного применения смешанных образовательных моделей в развитии социально-педагогической компетентности у будущих учителей, повышения уровня профессионально-личностной подготовки путем формирования социальной мобильности субъектов образовательного процесса посредством педагогической рискологии.

В мире проводится ряд научных исследований по личностной и профессиональной социализации будущих учителей, совершенствованию организационно-методической системы развития метакомпетентности у будущих педагогов в условиях информационно-образовательной среды. В частности, важную актуальность приобретают совершенствование практической технологической системы и научно-методического обеспечения развития социально-педагогической компетентности студентов, разработка дидактической системы адаптивного применения формальных, информальных и неформальных форм расширения возможностей получения традиционного, дистанционного и самостоятельного образования. В особенности, все более актуальным становится ускорение рискологической подготовки будущих учителей в условиях смешанного обучения, совершенствование дидактической системы подготовки к эффективной организации социально-педагогической деятельности.

В нашей республике большое внимание уделяется широкому внедрению цифровых технологий в высшее педагогическое образование, подготовке учителей, способных успешно работать в альтернативных формах обучения в условиях педагогики нового Ренессанса, обладающих комплексом педагогической компетентности. «Продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»<sup>1</sup> указывает на необходимость дальнейшего расширения методических возможностей смешанного обучения. Это требует

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан // Собрание законодательства Республики Узбекистан. –Т., 2017, № 6, ст. 70.

разработки дидактической системы и технологической модели развития социально-педагогической компетентности будущих учителей в условиях смешанного обучения и совершенствования дидактических условий их внедрения в практику.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года № УП-60, «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года № УП-5712, «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года № УП-5847, постановлении Кабинета Министров «О мерах по реализации и утверждению Концепции непрерывного духовного воспитания» от 31 декабря 2019 года № 1059, а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информированного общества и демократического государства и способы их реализации».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.<sup>2</sup>** Научные исследования, связанные с развитием социально-педагогической компетентности будущих учителей в условиях смешанного обучения, проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе, в Stanford University (США), Institute named after Frica Bauer, Belfield pedagogical university (Германия); Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters University (Англия); Universiti Teknologi Malaysia (Малайзия); Seoul Cyber University (Южная Корея); Санкт-Петербургском институте информатизации (Россия); Узбекском государственном университете мировых языков (Узбекистан).

В исследованиях, проводимых в мире по развитию социально-педагогической компетентности будущих учителей в условиях смешанного обучения, получены следующие научные результаты: разработаны модели подготовки к инновационной деятельности будущих учителей в условиях

---

<sup>2</sup> Osagie, E., Waqar, M., Adebayo, S., Stasiewicz, A., Porwol, L., & Ojo, A.: Usability evaluation of an open data platform. In: Proceedings of the 18th Annual International Conference on Digital Government Research, 495-504 (2017).; Scardamalia M., & Bereiter C.: Knowledge building: Theory, pedagogy, and technology, in: K. Sawyer (eds.) Cambridge handbook of the learning sciences, New York, Cambridge University Press, p. 97-118 (2006).; Ligorio, M. Beatrice, Sansone, N.: Structure of a Blended University Course: Applying Constructivist Principles to Blended Teaching. In: Information Technology and Constructivism in Higher Education: Learning Frameworks, 216-230 (2009).; Osagie, E., Waqar, M., Adebayo, S., Stasiewicz, A., Porwol, L., & Ojo, A.: Usability evaluation of an open data platform. In: Proceedings of the 18th Annual International Conference on Digital Government Research, 495-504 (2017).; Pinchuk, O. P., Sokolyuk, O., Burov, O. Y., & Shyshkina, M. P.: Digital transformation of learning environment: aspect of cognitive activity of students. In: Proceedings of the 6th Workshop on Cloud Technologies in Education (CTE 2018), KryvyiRih, Ukraine, December 21, 2018, CEUR Workshop Proceedings 2433, 90-101 (2019).

смешанного обучения (Stanford University); усовершенствованы организационные механизмы подготовки студентов педагогических вузов к социально-педагогической деятельности (Institute named after Frisca Bauer); усовершенствованы механизмы эффективной работы системы подготовки студентов педагогического вуза к госпитально-педагогической деятельности (Belfield pedagogical university); разработаны содержание и дидактическое обеспечение социально-педагогической подготовки посредством смешанного обучения (Bournemouth University); созданы комплексные мероприятия по развитию навыков онлайн-консультирования студентов (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); усовершенствована электронно-педагогическая система интенсивного развития социально-психологической компетентности студентов (Universiti Teknologi); разработан автоматизированный механизм предотвращения педагогических рисков в процессе мобильного обучения (Seoul Cyber University); разработаны адаптивные системы информатизации процессов обучения (Санкт-Петербургский институт информатизации); усовершенствованные локально-модульные технологии развития социолингвистической и социокультурной компетентности будущих учителей (Узбекский государственный университет мировых языков).

